

БАНК АЖБОРОТНО МАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 9 (1084), 2017 йил 2 март

● 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Аҳоли тадбиркорликка кенг жалб этилмоқда

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам «Оддий аҳолини тадбиркор қилиш» шiori остида юрдошларимизни тадбиркорликка янада кенгроқ жалб қилиш, бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларга ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан кўмаклашиш борасида самарали ишларни олиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил мамлакатимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши барча давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, тижорат банклари зимма-

сига аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни амалга оширишни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталиб, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, айниқса, йриқ тижорат банклари ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозониши, уларга кўмакдош бўлиши кераклигини таъкидлаган эди.

(Давоми 8-бетда).

Худудни ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит маблағлари

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Наманган минтақавий филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қисқа ва узок муддатли кредитларни тақдим этиш орқали ўзининг устувор йўналишларини ривожлантиришда давом этмоқда.

Филиал томонидан молиялаштиришнинг янги шакли ва кредитлаш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, улар асо-

сида худуддаги кичик бизнес соҳасини кредитлаш ҳажми ортиб бормоқда. Филиалнинг аёллар тадбиркорлигини ри-

вожлантиришга йўналтирган инвестициявий лойиҳалари, шунингдек, молиявий кўмаги худуд иқтисодиёти равнақиға хизмат қилмоқда. Филиалнинг қўллаб-қувватлаши натижасида вилоятнинг қишлоқ худудларида кўплаб янги, кўркам уй-жойлар барпо этилмоқда.

(Давоми 8-бетда).

Истеъмолчилар ҳуқуқи ишончли ҳимояда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида фуқароларнинг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларини тўлаш механизмни такомиллаштириш, банк пластик карточкалари орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни янада ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи М.Пардаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга

қаратилган чора-тадбирлар белгиланганини таъкидлади.

Тадбирда нақд пул ва банк пластик карточкалари орқали амалга ошириладиган тўловларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳсулотлар нарҳини тўлов шаклига қараб оширадиган ёки пасайтирадиган, харидорга касса чекини бермасдан савдо қилаётган тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган жарима санкциялари ҳақида сўз юритилди. Бу борада Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли текширувлар амалга оширилади.

ЎзА.

Ўзбекистонда QR-код орқали тўлов тизими жорий қилинди

«UZCARD» QR-код орқали тўлов тизимини ривожлантирмоқда. Ягона умумреспублика процессинг маркази мутахассисларининг маълум қилишича, янгилікни QR-код орқали тўлов механизмни жорий этган савдо-сервис корхоналарида синаб кўриш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, молиявий хизматларнинг онлайн-имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ягона умумреспублика процессинг мар-

кази савдо терминалини қўлламасдан, QR-код орқали тўлов тизимини жорий этди. Бунда банк тўлов картаси смартфондаги дастурга бириктирилади, сўнг ушбу дастурдан савдо нуқталарида тўловни амалга ошириш учун фойдаланилади. Тўловнинг бундай усули сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам оддий



пластик банк картасига нисбатан қулайроқ. Масалан, сотувчиға картани қабул қилиш учун савдо терминали керак бўлмайди. Харидорда эса карталар солинган ҳамдан смартфон фойдасига воз кечиш имконияти пайдо бўлади.

Бекзод АКРОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЯИМ ҲАЖМИ 199 ТРЛН. СЎМГА ЎСДИ

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 199 трлн. 325 млрд. 100 млн. сўмни ташкил қилди, ЯИМ ўсиши – 7,8 фоиз

2016 йилда ЯИМнинг ўсишига асосий таъсир қилган соҳалар:

- қурилиш +12,5%
- савдо, маънавий хизматлар ва овқатланиш +13,4%
- юк ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа +7,1%

ЯИМнинг мулкчилик шакли бўйича таркиби



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 28 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2616,59	1 Канада доллари	2598,74	1 Норвегия кронаси	406,68	1 евро	3606,16
1 Англия фунт стерлинги	4229,57	1 Хитой юани	495,16	1 Польша злотийси	833,58	10 Жанубий Корея вони	30,12
1 Дания кронаси	483,81	1 Кувейт динори	11158,16	1 Сингапур доллари	2423,37	10 Япония иенаси	303,36
1 БАА дирҳами	926,96	1 Россия рубли	59,23	1 СДР	4612,83	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.	
1 АҚШ доллари	3404,35	1 Украина гривнаси	126,20	1 Туркия лираси	946,13		
1 Миср фунти	216,84	100 Ливан фунти	225,87	1 Швеция кронаси	376,71		
1 Исландия кронаси	31,45	1 Малайзия рингити	766,57	1 Швейцария франки	3379,35		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи:

1 USD ▲ 3404,35 – (3356,87) | 1 EUR ▲ 3606,16 – (3571,52) | 1 GBP ▲ 4229,57 – (4167,56) | 1 JPY ▲ 303,36 – (296,88)

МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛЛАРИ

Бахтим – жаннатмакон юрда туғилганим

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида ўз билим, иқтидори, тажрибасига таянган ҳолда турли жабҳаларда, жумладан, банк тизимида ҳам фидокорона меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз сафи ортиб бормоқда.

Баҳор фаслидаги илк айём арафасида байрамон саҳифамиз учун уларнинг айримларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб, дилдан суҳбатлашдик.

1. Банк иши юқори даражада профессионаллик ҳамда масъулиятни талаб этувчи, ўз навбатида, қизиқарли соҳалардан ҳисобланади. Айтинг-чи, бу касбда муваффақиятга эришишнинг сирини нимада?

2. Ҳам оила, ҳам меҳнат жамоасида ўз ўрнига эга бўлган сиздек инсоннинг бахт формуласи қандай тартиб олган? Биз билан бу борадаги ҳаётини тажрибангизни бўлишсангиз?

3. Сиз учун 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунининг фойизи нимада?

4. Байрам арафасида ҳамкасбларингиз, яқинларингизга ўз тилақларингиз.



Ойбахор ШАРИПОВА, «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки Тренинг маркази бошлиғи.

– Касбда камол топиш инсоннинг бир ўзигагина боғлиқ эмас, айниқса, аёл киши учун. Бу жараён биринчи босқичда касбни тўғри танлашдан бошланади. Агар ота-она ҳамда устоз бола қизиқиши ва иқтидорини ўз вақтида пайқаб, касбга тўғри йўналтирса, кейинчалик у танлаган соҳасидаги барча қийинчиликларни осон енгил билан бирга, унинг ривожига ҳам ҳисса қўша олади.

Юқорида таъкидлаганимдек, аёл кишининг меҳнат фаолиятидаги муваффақиятларида оила аъзоларининг алоҳида ўрни бор. Биласиз, банк тизимида тартиб-интизом, белгиланган иш вақтига риоя қилиш муҳим саналади. Қолаверса, ой, йил якунлари бўйича ҳисоботни ёпиш даврида баъзида ушланиб қолган пайтларимда қайнонам, қайнотам, турмуш ўртоғимнинг тўғри тушунишлари, яқиндан ёрдам берганлиги менинг шу даражага етишимга туртки бўлди.

– Энг олий бахт – бу серқуёш ва жаннатмакон шу юрда туғилганлигимиз, тинчлик ва тотувлик ҳукм сурган ўлкада яшаётганимиз. Қолаверса, 30 йилдан буён севган соҳам – банк тизимида фаолият юритиб, ўз меҳнатим билан каттаю кичик жамоада қадр топганлигим, шогирдликдан устозлик мақомига етганлигим бугун бахтиёр инсонман дейишимга асос бўлади.

– 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини мамлакатимизда аёлларга бўлган ҳурмат-эътиборнинг юқори даражадалиги яна бир бор намоён этилади. Байрам ҳукумат миқёсида, шунингдек, ҳар бир гўша, қорхона ва ташкилотларда кенг нишонланиб, хотин-қизларимиз шаънига илиқ сўзлар айтилади. Бундай эътибор барча аёлларимиз каби менда ҳам чексиз гурур ва фахр туйғуларини уйғотади.

– Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу айём билан айнаи дамда набиралар қуршовида нурунийлик гаштини сураётган она-жонимни, опа-сингилларимни ҳамда барча ҳамкасб хотин-қизларни чин дилдан табриклайман. Барчасига соғлиқ-саломатлик, узоқ умр ҳамда доим севимли она, суюқли ёр, латофатли ва эъзозли аёл бўлиб юришларини тилайман.

Аёллар табиат уйғониши билан яшаради

Мадина ТАТАЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ходимлар билан ишлаш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

– Инсон бошқа мавжудотлардан фарқли равишда доим нимагадир интилиб яшайди. Бунда хатти-ҳаракатлар бирор-бир фикр, ғоя ва режалар асосида ишга тушиб, у кишини муайян йўналишда зафарли йўл сари етаклайди. Яна бир муҳим гап, муваффақиятга эришиш учун инсоннинг аниқ мақсади бўлиши лозим.

Меҳнат фаолиятимни 1982 йилда бошлаганман. Йигирма йилдирки, ишимни банк тизимида Ходимлар билан ишлар департаментида давом эттираман. Ҳамма нарсани кадр ҳал қилади, деган нақд бор. Шунга кўра, бизнинг тузилмаимиз зиммасига катта масъулият юклатилган. Вазифамиз – чуқур ўйланган кадрлар сиёсатини олиб бориш. Булар ҳар бир ходимнинг



иқтидори ва малакасини эрта аниқлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш қабилардан иборатдир.

– Мен учун бахт формуласи – бу ўзига ишонч, мақсад сари интилиш, меҳнатсевариллик, масъулият, сабр, қатъият ва, албатта, профессионалликдан таркиб топган. Мана шу кўникмаларни ўзида ҳосил қилган киши юқори натижаларга эришиши мумкин.

– Халқаро хотин-қизлар кунини энг ажойиб байрамлар-

дан бири бўлиб, уни, айниқса, биз аёллар жуда интиқлик билан кутамиз.

Мазкур баҳорий байрамда аёллар гўзаллиги, назокати тараннум этилиши билан бирга, уларга яқин дўсту ёрлари томонидан меҳр-муҳаббати сингган кутилмаган совғаларнинг туҳфа қилиниши эътиборга моликдир.

Бежиз бу айём она табиатнинг уйғониши даврида нишонланмайди. Бу пайт аёлларимиз чексиз севги ва садоқатдан баҳра олиб, ўзлари ҳам борлиқ билан бирга яшнайди, яшаради.

– Азиз ва муҳтарам хотин-қизларимизни баҳор байрамини – 8 март билан самимий муборакбод этаман. Барчангизга чексиз бахт ва омад ёр бўлишини, мақтовлар ва эътибордан кўнглингиз доим осмон қадар юқалиб юришини тилаб қоламан. Меҳнат жамоангизни хушвақтлик, хонадонингизни эса, тинчлик ва осудалик тарқ этмасин.

Касбимга меҳрим бўлакча

Тамара ШАГАЗАТОВА,

«Ипак йўли» АТИБнинг Соғбон филиали бошқарувчиси муовини, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик ва 25 йиллик кўкрак нишонлари соҳибаси.

– Жамоамиз асосан ёшлар ҳамда турли миллат вакилларидан таркиб топган. Шу боис барча ходимларнинг бошини бириктириш, жамоада меҳроқибат, бирдамлик ва ишчанлик руҳини шакллантиришда биз раҳбарлардан тажрибали иқтисодчи бўлиш билан бирга моҳир педагог ва психолог сифатида ҳам ўзини намоён қила олиш тақозо этилади. Бу ходимларнинг руҳий ҳолати, оилавий шароити, зиммасидаги вазифасига ёндашувини кузатиб, уларни ўз вақтида тўғри йўлга йўналтириш ва рағбатлантиришда кўмак беради.

Мен касбига қаттиқ меҳр қўйган аёллардан бириман. Ўз вазифамни мукамал адо этишга интилиб,



натижаларидан завқланаман. Ушбу хатти-ҳаракатларим билан бугун молия муассасалари ўртасида шаклланган рақобат муҳитида банкимизнинг барқарорликка эришиш йўлидаги мақсадларига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

– Аёлми, эркакми, раҳбарми ёки оддий ходим унинг ҳаётида, аввало, ўз оиласи фаровонлиги, фарзандлари камоли муҳим ўрин тутуши лозим.

Оиласида хотиржамлик, қут-барақа бўлган кишининг меҳнат фаолиятида ҳам самарадорлик кузатилади.

Мен ҳам оиламизнинг тинчлиги, саришталигини сақлаш, болаларимизнинг таълим-тарбияси билан шуғулланишга алоҳида вақт ажратдим. Турмуш ўртоғим билан уч нафар фарзандимизни оқ ювиб-тараб, ўқимишли, уйли-жойли қилдик.

○ Саволингизга жавобан, ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб, бугунги шуқроналик йўғрилган бахтиёр кунларим – яқинларимнинг меҳр-оқибати, кўмаги, қолаверса, менга ота-онамдан ўтган инсоний фазилатлар эвазига инъом этилмоқда, дейишим мумкин.

– Болалигимизда ушбу айёмни оналар байрамини, дея интиқлик билан кўтаринки руҳда кутардик. Биз учун жондан азиз ушбу инсонни хурсанд қилиш йўлини қидирардик. Бор меҳр-муҳаббатимизни тўкиб, қўлбола совғалар тайёрлардик.

Бугун эса, ўзим ҳам онаман. Шунингдек, уч нафар фарзанднинг ортдан инъом этилган шириндан-шаркати набираларнинг севимли бувижонисиман. Байрам кунлари улар билан бағрим тўлганда, умидли ва севинчга тўла кўзларидан борлигимга шукрона-лик ўққанамда ўзимни икки ҳисса бахтиёр ҳис этаман.

Шу боис 8 март байрамини мен мана шундай севги-муҳаббатдек тенгсиз туйғулар улашувчи фурсат, хотин-қизларимизда яшашга завқ, унумли меҳнат қилишга куч-қувват берувчи ажойиб кун, деб биламан.

– Азиз ва мўътабар аёлларимизни кириб келаётган баҳор айёми билан табриклайман. Барчангизга узоқ умр, тинч-саҳнатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман. Оилангизда доимо тинчлик-тотувлик бўлсин, ўғил-қизларингиз ва набираларингиз кўзингизни яшнатиб, орзу ниятларингизни ижобат айлайверсин.

Материалларни Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

Мижоз доим ҳақ

Банк иши энг кўп масъулият талаб этувчи соҳалардан ҳисобланади. Шу боис мазкур тизимда фаолият юритиш, аввало, кишининг хоҳиш-истакларига эмас, балки салоҳиятига боғлиқдир. Бу касбда зийрак, профессионал, ҳалол ва фидойи бўлган ҳар қандай ходим жамоада қўним топиб, униб-ўсаверади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Учтепа филиали Касса амалиётлари бўлими назоратчи касири Фарида Холхожаева ана шундай мутахассислардан бирidir.

Жамоадoshлари томонидан «ўз ишининг устаси», дея таърифланган ушбу ходим меҳнати республикамиз тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича ўтказилган танловда ҳайъат аъзолари диққатини тортиб, натижада «Йилнинг энг яхши касири» номинацияси бўйича тақдирланди.

– Бундай рағбат, нафақат менга, балки оила аъзоларимга ҳам чексиз қувонч, мамнуният бағишлайди, – дейди Фарида Раҳимжоновна.



– Бу мен ва мен қатори банк тизимидаги барча касир ходимларга нисбатан ҳурмат-эътибор намунасидир. Фаолиятини бундан кейин ҳам раҳбарият ишончини оқлашга, муносиб хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, ютуқ ва рағбат худди спортдагидек, хизмат кўрсатишдаги мутахассисни ҳам янада ўз устида ишлашга, олға интилишга, касбига меҳрини оширишга туртки беради. Эътирофлардан кўнгли ўсиб, меҳри қалбидан юзига кўчган қахрамонимиздан бугун миждозлар мамнун. Улар орасида 30-40, ҳатто 50-60 йилдан буён ушбу банк хизматидан фойдаланиб келаётганлари ҳам талайгина.

– Банк соҳасида маҳорат кўпроқ касса ходимларидангина талаб этилуви хусусияти, – дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Учтепа филиали Касса амалиётлари бўлими мудири Мубшира Жўраева. – Чунки,

айнан касирлар банкка миждозни жалб этувчи энг масъул ходимлар ҳисобланади. Улар қанчалик маҳоратли бўлиши, муассасанинг миждозлар базаси шу қадар шаклланиб бораверади. Филиалимизда 20 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Фарида Холхожаева ушбу лавозим талабларининг барчаси мужассам. Ўта ҳалол, хушмуомала, ишига виждонан ёндашувчи шахс. Муболаға туюлса-да, пулни электрон машинадан тез ва сифатли санашини айтмасам бўлмайди.

– Бугун банклар ўртасида катта рақобат юзга келган бир шароитда миждозлар кўнимлигини сақлаш, кўнглига йўл топишининг бир йўли – бу уларни тугал эшитишдир, –

дейди Фарида Раҳимжоновна. – Шунингдек, бугунги вазият нафақат «Банк миждоз учун», балки «Мижоз доим ҳақ» деган тамойил асосида ишлашни тақозо этмоқда. Мен ишхонамга киришим билан шахсий муаммоларимни унутиб, диққатимни фақат зиммамдаги вазифага қаратаман. Турли руҳий ҳолатда таширф буюрган миждозларнинг филиалимиз хизматларидан мамнун ҳолатда чиқиб кетишларини таъминлашни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ф.Холхожаева билан суҳбатлашиб, қахрамонимизнинг оиладаги келинлик, турмуш ўртоқлик ва оналик вазифаларини ҳам аъло даражада бажараётганлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Табиатан ўта тadbирли бўлган бу аёл оиласини жамиятга, банкни эса, давлатга қиёслаб, замонавий аёл – ҳам жамият, ҳам давлат юмушларига бирдек улгуриши лозим, дея ўз фикрини билдирди.

Наргаиз АҲМЕДОВА.

Тadbиркорлик субъектларининг кредит таъминоти кафолатланади

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тadbирларини замон талаблари доирасида кенгайтириш мақсадида Президентимиз томонидан Кичик тadbиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини тузиш тўғрисида Қарор имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқармаси бошлиги Камрон Ўтбосаров мазкур ҳужжат мазмунини ҳамда жамғарма олдига қўйилган мақсад ва вазифалар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик иқтисодийтимиз таянчи эканлиги кўп бор таъкидланади. Бу ҳақиқат. Бугун истеъмол бозорида аҳоли эҳтиёжи юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий секторда ишлаб чиқарилмоқда. Аммо ушбу соҳа истиқболлини сармояларсиз тасаввур этиш қийин.

Президентимизнинг «Кичик тadbиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2768-сонли Қарори ҳам юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда хариддориг бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг олиш имкониятларини кенгайтириш ва шу йўл билан кичик тadbиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришда янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди. Умумий маънода, ушбу ҳужжат мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик тadbиркорликнинг ролини оширишга катта хизмат қилади.

Кичик тadbиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасининг асосий вазифалари этиб, тadbиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш

ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклар кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаш, уларга тижорат банкларидан кредитлар олиш бўйича амалий кўмаклашиш (маслаҳат бериш), юқори технология-

ли ҳамда инновациявий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва кенгайтириш лойиҳаларини илгари сурган корхоналарга яқиндан ёрдам бериш белгиланган. Шунингдек, муассаса таъминот берилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамда тижорат банклари томонидан тақдим этилган кредитларни ўз вақтида қайтариш ва таъминот сифатида тақдим этилган жамғарманинг мажбуриятини қоплашни тизимли равишда назорат қилади.

Бундан ташқари, Кафолат жамғармаси ўз ресурс базасини кенгайтиришга халқаро молия институтлари, хорижий фондлар ва банкларнинг маблағларини жалб этиб боради.

– Шу ўринда мазкур янги ташкилотнинг бошланғич капитали қайси манбалар ҳисобига шакллантириладигани хусусида тўхталиб ўтсангиз?

– Жамғарма акциядорлик жамияти шаклида 100 млрд. сўмлик фонд асосида ташкил этилади. Бу Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва унинг иловасида аниқ белгилаб берилган. Ҳужжатга кўра, жамғарманинг бошланғич капитали Ўзбекистон Республикасининг, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (50,0 млрд. сўм), Ўзбекистон банклари Ассоциацияси (5,0 млрд. сўм), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (2,0 млрд. сўм), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (10 млрд. сўм), шунингдек, бошқа тижорат банклари ҳамда сугурта ташкилотларининг маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

– Тadbиркорлик субъектларига жамғарманинг кафолати қай тартибда берилади?

– Кафолат жамғармаси жўрофик жиҳатдан ўз ҳудудий филиалларини очган ҳолда республикамизнинг барча чекка туман ва қишлоқларини кенг қамраб олади.

Кафолат бериш белгиланган тартибга кўра, жамғарма

томонидан кичик тadbиркорлик субъектларига ишонч хати сифатида қайтариш ва қоплаш асосида тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит муддатига берилади. Ишонч хати кредит шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш мақсадида кредит берувчи банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган кафолат шартномаси асосида тақдим этилади.

Бунда Кафолат жамғармасининг таъминоти тижорат банкларининг кичик тadbиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларга жалб қиладиган кредитлари бўйича гаров билан қопланмаган қисмида, кредит суммаси умумий миқдорининг 50 фоизидан ва эквиваленти 100 000 АҚШ долларига тенг суммадан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Кафолат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган таъминотнинг максимал умумий миқдори – мазкур муассаса маблағларининг 5 қарра миқдоридан ортиқ бўлмаслиги лозимдир.

– Жамғармани ташкил қилишда давлат томонидан имтиёзлар кўзда тутилганми?

– ПҚ-2768-сонли қарорда Кафолат жамғармаси барча турдаги солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилиши, бўшайдиган маблағлар унинг ресурс ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли тарзда йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Бу, ўз навбатида, келажакда жамғарма имкониятлари билан бирга, кичик тadbиркорлик субъектларининг ҳам барқарор фаолият юритишларига кенг йўл очади. Янги гоаялар, инновация лойиҳаларини тугилишию, уларнинг замонавий технологиялар асосида ҳаётга татбиқ этилишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда юртимизнинг жаҳон иқтисодийига интеграциялашувини кучайтиришга ҳисса қўшади.

Ширин БАЙСЕНОВА
суҳбатлашди.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишининг учинчиси «Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш»нинг устувор йўналишларига бағишланади. Ушбу мақолада мазкур устувор йўналишнинг ўз олдига қўйган асосий вазифалари ва уларни бажариш учун кўзда тутилаётган муҳим чора-тадбирларнинг айримларини таҳлил қиламиз.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш йўналиши бўйича 5 та қисмдан иборат чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Биринчи қисм, яъни 3.1-банди «макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш» деб номланади. Таъкидлаш лозимки, 2004 йилдан буён, яъни охириги 13 йил мобайнида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми йилга 7 фоиздан юқори суръатлар билан ўсиб келмоқда. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, 2016 йил якуни бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 2003 йилдаги ҳажмга нисбатан 2,75 марта ошган. Бу жуда яхши кўрсаткичдир. Жаҳон банки критерийларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти жон бошига ҳажми бўйича кам даромадли давлатлар сафидан чиқиб, ўрта даромадли давлатларнинг кўйи поғонаси сафига қадам қўйди. Кейинги мўлжал – ўрта даромадли давлатларнинг юқори поғонаси сафига кириш. Бунинг учун эса юқори иқтисодий ўсиш тенденциясини давом эттириш талаб этилади. Жаҳоннинг турли давлатларида иқтисодий инкироз давом этаётган, давлатлар ва йирик компаниялар ўртасида рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда ушбу вазифани амалга ошириш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Стратегияда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш мақсадида солиқ-бюджет, пул-кредит, банк тизими, молиявий хизматлар соҳаси ва фонд бозори, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаларидаги ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш кўзда тутилган.

Кўйида ушбу ислохотларнинг баъзиларига кенгроқ тўхталамиз.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солуви замонавий тамойил механизmlарини жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият юритишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мазкур йўналишда 2018-2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Тижорат банклари фаолиятига, кредит сибёсатига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик вазифаларини ба-

Жорий йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилиниб, унда Ўзбекистон тараққиётининг келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

жариш ҳам устувор масала сифатида қаралмоқда. Демак, тижорат банклари ўзлари ишлаб чиққан кредитлаш сибёсатига тўғри келадиган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қарорларни мустақил қабул қиладилар. Бунда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимиятларнинг тижорат банкларини айрим корхоналар фаолияти учун кредит ажаратишга мажбур қилишларига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўриш ҳам Дастурга киртилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк тизимининг 2016 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилнинг 14 январида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил

53,4 трлн. сўмдан ошди. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг 26,8 фоизига тенгдир. Ушбу ижобий натижаларга қарамадан, ривожланган ва жадал ривожланаётган чет эл банк тизими билан солиштирганда ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар талайгина эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Шу сабабли Дастурда тижорат банклари капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада ошириш чораларини амалга ошириш назарда тутилган.

Дастурда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, етакчи халқаро ва

ва либераллаштиришнинг устувор йўналишидаги иккинчи таркибий қисм, яъни 3.2-банди «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш» деб номланади. Ушбу бандга кўра, 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд. АҚШ доллари миқдориди 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўйбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 85 фоизгача ошиши таъминланади.

Дастур доирасида туризмини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2016 йилнинг 2 декабридаги фармони билан «Ўзбектуризм» миллий компанияси негизда Ўзбекистон Республикаси туризмини ривожлантириш давлат



учун белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган мажлисида 2016 йилда мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Тижорат банкларининг умумий капитали ўтган йили 1,2 баробардан зиёд кўпайиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, 9,4 трлн. сўмдан ошди. Иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиги 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан қарийб 1,3 баробар кўпайиб, 2017 йил бошига келиб

чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан, 2016-2020 йиллар давомида 27 та лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банкининг 3 млрд. АҚШ долларидан ортиқ кредитларини, 2016-2019 йилларда 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осий тараққиёт банкининг 2,97 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги кредитларини, Ислам тараққиёт банкининг 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги кредитларини жалб қилиш ва мазкур халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш вазифалари қўйилган.

Иқтисодий ривожлантириш

қўмитаси ташкил этилди. Дастурда ўрта муқддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, 2017-2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар сафига «Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахирини ишлаб чиқиш, аэропорт ва вокзалларда хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, туризм соҳасида бизнес юритиш бўйича қулай шароитлар яратиш, жаҳонга машхур брендларни, янги туристик маршрутларни яратиш ва бошқа тадбирларни қўйиш мумкин.

Иқтисодийнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган ташқи савдо, жумладан, экспортни ривожлантириш Дастурда алоҳида



этилатган тадбиркорлик субъектлари, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначиликка 43,9 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Бундан ташқари, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ҳисобот даврида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол тадбирлар олиб берилди.

Хусусан, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари фаолиятини кенгайтириш, техник ва технологик қайта таъмирлаш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга 351,9 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилди.

Иқтисодийнинг барча устувор тармоқлари, жумладан, саноатда 115,0 млрд. сўмлик, қишлоқхўжалигида 50,1 млрд. сўмлик, транспорт ва коммуникация соҳасида 55,0 млрд. сўмлик, қурилиш йўналишида 40,3 млрд. сўмлик, моддий-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатишда 70,1 млрд. сўмлик ҳамда бошқа соҳаларда фаолият юритувчи субъектларнинг 21,5 млрд. сўмлик лойиҳаларига инвестиция кредитлари жалб қилинди.

«Республика ҳудудларини 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2016 йил давомида ушбу муассаса томонидан хизмат кўрсатиб келинаёт-

ган корхоналарда 857 та лойиҳа амалга оширилиб, унга 107,97 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилган ҳолда 7 158 та янги иш ўрни яратилди.

Стратегик вазифа доирасида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 январдаги «2016 йил учун турар жой маззеларини қуриш ва қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги турар жойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2483-сонли Қарорига асосан республикамизнинг 151 та қишлоқ туманларида жойлашган 300 та ер массивларида умумий майдони 1 823,7 минг кв.метр бўлган 2 450,5 млрд. сўмлик 13 000 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилиб, шундан 8 512 та уй-жой бунёдкорлиги «Қишлоқ қурилиш банк» иштирокида молиялаштирилиши режалаштирилган эди.

Ушбу мақсадда банкда фуқаролар томонидан 401,4 млрд. сўм (100 фоиз) миқдорда бошланғич бадал маблағлари шакллантирилди ва 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, 8 512 та уй-жой қурилишига жами 1 545,9 млрд. сўм миқдорда (шундан 499,3 млрд. сўми аҳоли маблағлари, 1 046,6 млрд. сўми имтиёзли ипотека кредити) маблағлар «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига пудрат ташкилотларини

молиялаштириш учун ўтказиб берилди.

Шу билан бирга, 2016 йилги дастури бўйича «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилаётган уй-жойлар учун шакллантирилиши режалаштирилган 101,9 млрд. сўмлик якуний бадал ҳам тўлиқ шакллантирилди. Давлат бюджети ҳисобидан 780,5 млрд. сўмлик, хорижий молия институтлари – Ислон тараққиёт банкнинг 20,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари (Тошкент вилоятида қуриладиган 315 та уй-жой қурилишига), Саудия тараққиёт жамғармасининг 60,0 млн. доллар миқдоридagi маблағлари (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги 1 627 та уй-жой қурилишига) тўлиқ ўзлаштирилди.

Кўрииб турибдики, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ самарали фаолияти давомида юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Банкнинг бундан кейин ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни, оилалар, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қурилиш ва бунёдкорлик жабҳасидаги ислохотлар унумдорлигини ошириш, мўлжалланган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда мижозлар билан яқиндан ҳамжиҳатликда фаолият юритиши давом этaveraди.

Маълумот учун. Бугунги кунда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг 42 та

филиали, 48 та мини-банк ва 176 та шохобчаси мавжуд бўлиб, улар орқали 753 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахс мақомидаги мижозларга кенг кўламли молиявий хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, банкнинг соф активлари 5 417,0 млрд. сўм (йил бошига нисбатан ўсиш 27,7 фоиз)ни, улар таркибида даромад келтирувчи активлар улуши 88,8 фоизни ташкил қилди.

Банк кредит қўйилмалари ушбу даромад келтирувчи активлар умумий ҳажмида 97,4 фоиз улушга эгадир. Шунингдек, улар таркибида банклараро депозитлар 2,5 фоизни, инвестициялар 0,1 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳисобот даврида Биринчи Президентимизнинг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларига мувофиқ, банк томонидан олиб берилган чора-тадбирлар натижасида унинг ликвидлиги, ишончилиги, тўловга қобилиятлиги каби қатор асосий кўрсаткичларида барқарор ўсишга эришилди. Хусусан, 2016 йил бошига нисбатан банкнинг жами капитали 14,7 фоизга ошиб, 495,2 млрд. сўми, депозитларининг умумий ҳажми эса, 25,1 фоизга ўсиб, 1 106,1 млрд. сўми ташкил этди.

Назира МАВЛОНОВА.

Куйида мазкур ғалиб депозитларнинг ўзига хос хусусиятлари, жозибдорлиги ва аҳоли омонатлари ҳажмидаги улуши ҳақида тўхталамиз.

«Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит». Ушбу номинация бўйича «Асака» акциядорлик-тижорат банкнинг «Баракали» номли омонати ғалиб бўлди.

Айтиш жоиз, ушбу маҳсулот ўз номига монанд 2016 йил якунлари бўйича банкка катта барака келтирди. 2014 йилда амалиётга киритилган мазкур омонатга 6,5 мингдан зиёд омонатчилар ўз бўш пул маблағларини жойлаштирган бўлиб, 2016 йилнинг ўзида унга жами 136 млрд. сўмлик омонат қабул қилинди.

«Баракали» омонатининг сақланиш муддати 6 ой. Унга бошланғич бадал чекланмаган миқдорда қабул қилинади, бироқ қўшимча маблағлар киритиб боришга рухсат этилмайди. Депозитга ҳисобланган фоизлар мижозга ҳар ойда тўлаб берилади. Уни «Асака» банкдаги мавжуд бошқа омонатларга қайта расмийлаштириш ҳам мумкин.

2016 йилда «Асака» банк томонидан мижозлар эътиборига 40 дан ортиқ миллий ва хорижий валютада омонатлар ҳавола қилинди. Улар орасида «Баракали»дан ташқари «Қадрият» ва «Имтиёзли» номли омонатларга ҳам қизиқш катта бўлди.

Бугунги кунда муассасанинг 83 та мини-банк ҳамда 300 га яқин махсус хизмат кўрсатиш шохобчаларида барча шарт-шароитлар яра-

Йилнинг энг яхши тўрт омонати

Мамлакатимиз тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини банк жамғармаларига жалб қилишни кучайтириш борасида ўтказилган танловнинг жорий йилгисида 2016 йилда энг кўп аҳоли қизиқишига сазовор бўлган омонатлар алоҳида эътироф этилди.

тилган. Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банкда 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 215,8 млрд. сўмга ўсиб, 815 млрд. сўми ташкил этди. Омонатчилар сони 250 мингга кўпайиб, 1 млн. 900 нафарга етди.

Танловда «Хорижий валютадаги энг яхши муддатли депозит» номига «Капитал-банк» акциядорлик-тижорат банкнинг «Миг» депозити лойиқ топилди.

Ушбу омонатга маблағлар нақд шаклда 2 ой муддатга қабул қилиниб, устама фоизлари сақланиш муддати якунида тўлаб берилди. Агар мижоз омонатни сақланиш муддати якунида талаб қилиб олмаса, мазкур омонатдаги маблағини автоматик равишда узайтириш имконияти яратилди. Бунда автоматик узайтириш 2 ойлик муддат билан беш мартадан ошмаслиги белгилаб қўйилган эди.

Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида 2016 йилда «Капитал-банк»га қарийб 184 млрд. сўмлик омонат жалб қилинди. Асосийси, мижоз-



ларнинг банк хизматларидан тўлароқ фойдаланиб, ўз турмуш шароитларини яхшилаб олишларига шариот яратилди, уларнинг молия муассасасига бўлган ишончи янада мустаҳкамланди.

«Миллий валютадаги энг яхши жамғарма омонати», деб «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг «Бинафша» жамғарма омонати қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ фаолият тажрибаси жиҳатидан республикамиздаги энг тўнғич молия муассасаси саналади. Бугунги кунда аҳоли орасида кўп йиллардан буюн ушбу банк омонатларида муайян мақсадлар йўлида пул жамғариб кела-

ётган мижозлар талайгина.

Банк омонатчилар талабидан келиб чиқиб, муддатли омонатлар билан бир қаторда жамғарма турдаги депозитларнинг жозибдорлигини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Айни пайтда муассасада амалда бўлган жами омонатларнинг 50 фоизи жамғарма омонатлардан таркиб топганлиги фикримизга далил бўла олади. Қолаверса, омонатлар бўйича тижорат банклари ўртасидаги танловда банкнинг жамғарма омонатлари илгари ҳам соvrиндор бўлган.

«Бинафша» омонати хусусида қисқача маълумот. Депозитнинг сақланиш муддати 3 ой, унга қабул қилинадиган бошланғич бадалнинг мини-

мал миқдори 100 минг сўмдир. Омонат муддати тугаганидан сўнг омонатчи ўз ҳисобварағидаги пул маблағини олмаса, омонат автоматик равишда қайта расмийлаштирилади ва муддати яна 3 ойга узайтирилади. Депозит муддати кўпи билан уч маротаба узайтирилиши мумкин. Унга ҳисобланган устама мижозга ҳар ойда тўланади.

«Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити» номинациясида Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»нинг «Эксклюзив» номли омонати ғалиб бўлди.

Таъкидлаш лозимки, «Алоқабанк»нинг мазкур депозити 2016 йилнинг ноябрь ойда жорий қилинган. Икки ой давомида унга сезиларли даражада кўп маблағлар жалб қилинган. Чунончи, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, «Эксклюзивга» қўйилган депозитлар қолдиги банкдаги умумий аҳоли омонатлари қолдиги (240 млрд. сўм)нинг 7 фоизини ташкил этди.

Хорижий валютадаги «Эксклюзив» жамғарма омонатининг сақланиш муддати 1, 2, 3 йилни ташкил этади. Унга қабул қилинадиган маблағларнинг минимал миқдори 500 АҚШ долларлари бўлиб, ҳисобланган фоиз тўловлари ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги курси бўйича долларда тўланади.

Омонатга мижоз қўшимча бадал киритиб бориши (500 доллардан кам бўлмаган миқдорда) мумкин.


Наргиз АҲМЕДОВА.

Аҳоли тадбиркорликка кенг жалб этилмоқда



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шундан келиб чиқиб, «Туронбанк» АТБ «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да бажарилиши лозим бўлган бир қатор устувор вазифаларни белгилаб олди. Тасдиқланган истиқболли режаларни амалиётга тўла татбиқ этиш мақсадида қисқа муддатда банкнинг мавжуд 18 та филиали томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ва микрокредитлар бериш ишлари бошлаб юборилди.



Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида Бекобод туманида аҳолига кредит бериш ва хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича туман ҳокимлиги ҳамда «Туронбанк» АТБнинг етакчи мутахассислари иштирокида халқ билан мулоқотлар ташкил этилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолига банк томонидан таклиф этилган кредит турлари ва шартлари ҳақида тушунчалар берилмоқда.

– Банкнинг томонидан белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Бекобод

тумани аҳолисига парранда сотиб олиш учун имтиёзли кредит маблағларини ажратиш режалаштирилган, – дейди «Туронбанк» АТБнинг Зағзиота филиали раҳбари А.Асатуллаев. – Қолаверса, мутахассисларимиз уймау-уй юриб, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун мавжуд имконият ва шароитларини атрофлича ўрганишмоқда. Шу аснода махсус сўровлар ҳам ўтказилиб, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини кучайтириш мақсадида бизнес-режа ва таъминот хужжатларини тайёрлаш борисда батафсил маълумотлар берилиб, кредит ажра-



лигини оширишда ҳар бир ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган малиявий кўмак ва мадад беришнинг ўзига хос усуллари жорий этиш орқали ўз фаолиятини янги жабҳаларда кенгайтирмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқиши янада ортмоқда. Зеро, бундан кейин ҳам молия муассасаси фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ишончини қозониш ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлиш йўлида собитқадам бўлиб қолавереди.

тиш жараёни эса кунлик мониторинг қилиб борилмоқда. «Туронбанк» АТБнинг бундай саъй-ҳаракатлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ва кредитга талаби бўлган кўпчилик фуқароларга маъқул келмоқда. Банк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига туман аҳолисига боқиладиган паррандаларни етказиб бериш, хонадон эгалари томонидан улар парвариш қилиниши ва ажратилган кредит маблағларининг ўз муддатида қайтарилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар белгилаб олинган. Шунингдек, банк ходим-

Г.Холиқулов, Тошкент вилояти Бекобод тумани «Хос» МФЙ раиси:

– «Туронбанк» АТБ томонидан туманимиз аҳолиси учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ўз бизнесини бошламоқчи бўлган кўпчиликка манзур бўлмоқда. Банк ходимлари томонидан туманимизнинг ҳар бир маҳалласига уймау-уй юриб, мулоқотлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида туманимиз, қолаверса, маҳалламизда истиқомат қилувчи оилаларнинг даромадлари ошиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг сони камайиб бормоқда. Биргина мисол, яқинда «Туронбанк» АТБнинг

Чилонзор филиали мутахассислари маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга 40-80 тадан товуқ тарқатишди. Ушбу эзеу мақсадларга йўғрилган истиқболли саъй-ҳаракатлари учун уларга чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Банкнинг бу каби хайрли ишлари кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши, шунингдек, бандликка кўмаклашиш, тадбиркорликни ривожлантириш каби устувор мақсадларни амалга ошириш йўлидаги вазифаларнинг амалдаги исботидир.

А.Каримов, Бекобод тумани «Зиёли» МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро:

– Аҳолининг иш билан бандлиги ва ижтимоий ҳимояси масалалари давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилаётган айни кунларда «Туронбанк» АТБ томонидан туманимиз аҳолисига кўрсатилаётган молиявий мадад Бекободнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига муҳим омил бўлмоқда. Банк томонидан тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли ҳамда кам даромадли оилаларга кўрсатилаётган ҳимойлик ёрдами туфайли бекободлик тадбиркорларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. «Туронбанк» АТБнинг ушбу эзеу мақсадларга йўғрилган истиқболли саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирган ҳолда, молия муассасасининг келгусидаги фаолиятига янада шижоат тилаб қоламыз.

Хизматлар лицензияланган.

Иброҳим УСМОНОВ.

Ҳудудни ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит маблағлари

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Филиал ипотека кредитини ажратиш сиёсатини юришти орқали вилоят аҳлининг турмуш фаровонлигини яхшилашга, Наманганнинг чиройига чирой қўшилишига ҳисса қўшаяпти.

– 2016 йил қишлоқ ҳудудларида 628 та уй-жой қурилиб, 81 790,7 млн. сўмлик кредит ажратилди, – деди «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Наманган минтақавий филиали раҳбари Анвар Ходжиев. – Минтақавий филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2016 йил давомидида 34 928,1 млн. сўм миқдоридида кредит йўналтирилди. Уларнинг 19 764,8 млн. сўми микрокредитларни ташкил этган бўлса, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантиришга 4 904,9 млн. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига 12 849,2 млн. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга 74 445,0 млн. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарига 13 015,5 млн. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларига 2 515,0 млн. сўм, ёш оилаларга 6 762,6 млн. сўм кредит ажратилди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида минтақавий филиалнинг фаолияти стратегияси ишлаб чиқилди. Филиал мутахассислари жойларга чиқиб, аҳолини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб этмоқда. Ушбу мулоқотлар натижасида бизнес юришти ниятини билдирувчиларга молиявий кўмак бериш филиалнинг бош мақсадига айланган.

Муҳими, кўзланган мақсад янги иш ўринларини яратиш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик ва уй меҳнатини ривожлантириш ҳисобланади. Шу нуқтага назардан банк филиали ўз фаолиятини таҳлил қилди ва яқин келажакда амалга оширилаётган устувор вазифаларни белгилади. Ушбу жараёнда банк кредит, микрокредит ва инвестициявий лойиҳаларга бўлган ёндашувни қайта кўриб чиқди ва омонатларни жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишларни давом эттирмоқда.

Ҳамдам АМИНОВ.

Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизими такомиллаштирилади

Қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципал янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган вазифалар белгиланди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин уни ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушуниришни ташкил этишга масъул бўлган давлат органлари кўрсатилади. Ушбу механизм янги қабул қилинган қонунларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди.

Бундан буён барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган кун и ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга қоғоз ва электрон шаклда Адлия вазирлигига юборилади, Адлия вазирлиги эса бир кунлик муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни электрон шаклда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига етказилишини таъминлайди.

Мухтасар айтганда, «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ижросини таъминлаш ҳуқуқий ахборотни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштиришга, ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида ҳуқуқий хабардор қилишнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Ғолибжон ХОЛБОЕВ,
ҳуқуқшунос.